

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/2025.27.12.T.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАЕВ САНЖАР РАШИДОВИЧ

**СУҒОРИШ ТИЗИМИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
ВА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2026

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
техническим наукам**

Contents of the of Doctoral (DSc) dissertation abstract

Жураев Санжар Рашидович

Суғориш тизими насос станцияларининг энергия ва фойдаланиш
самарадорлигини оширишнинг илмий асослари..... 3

Жураев Санжар Рашидович

Научные основы повышения энергетической и эксплуатационной
эффективности насосных станций оросительных систем..... 29

Juraev Sanjar Rashidovich

Scientific foundations for improving the energy and operational efficiency
of pumping stations in irrigation systems..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/2025.27.12.T.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАЕВ САНЖАР РАШИДОВИЧ

**СУҒОРИШ ТИЗИМИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
ВА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2026.1.DSc/T1046 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ismiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухаммадиев Мурадулла Мухаммадиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шакиров Бахтияр Махмудович
техника фанлари доктори, профессор

Хўжакулов Рустам
техника фанлари доктори, профессор

Базаров Дилшод Райимович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тошкент архитектура-қурилиш
университети (ТАҚУ)

Диссертация химояси Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.17/2025.27.12.T.01.01 рақамли илмий кенгашнинг «21» август 2026 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11-уй. Тел.: (99899)-434-43-28, e-mail: ismiti@minwater.uz).

Диссертация билан Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти библиотекасида танишиш мумкин (№ 5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11-уй. Тел.: (99899) 434-43-28, e-mail: ismiti@minwater.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «31» 07 кунни тарқатилди.

(2026 йил «31» 07 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



И.Э. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.А. Садиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, PhD, к.и.х.

О.Я. Гловацкий

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги, ичимлик сув таъминоти ва саноатда фойдаланиладиган насос станциялар самарадорлигини ошириш, ресурслар тежамкорлигига эришиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйича насос станциялар учун жами ишлаб чиқариш учун бериладиган энергиянинг 21 % сарф бўлмоқда¹. Бу борада, жумладан насос станцияларнинг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жиҳозлар ва иншоотларининг тежамкор, ишончли ишини таъминлаш, сув етказиб бериш технологик жараёнини бошқаришнинг замонавий усулларида фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда етакчи илмий муассасаларда насос станциялари иш режимларини оптималлаштириш, иншоотлар ва жиҳозларда сув оқимининг насослар учун самарали бўлган гидравлик тизимини ташкил қилиш, агрегатлар эҳтиёжи учун “яшил” энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги техник ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда^{1,2}. Ушбу йўналишда, жумладан, насос станциялари аванкамераларида сув оқимининг гидравлик режимларини такомиллаштириш, лойқа чўкмаларининг тўпланишини камайтириш ва уларни самарали тозалаш технологияларини ишлаб чиқиш, насос агрегатларининг иш режимларини энергия сарфи минимуми ва фойдаланиш самарадорлиги максимуми мезонлари асосида бошқариш ҳамда энергия тежамкор техник ечимлар ва рақамли бошқарув усуллари моделилаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, насос станциялари аванкамераларида сув оқимини бошқариш, лойқа чўкмаларини ўз вақтида, самарали тозалаш, насос агрегатларининг иш режимларини энергия сарфи минимуми ҳамда самарадорлик максимуми талаблари бўйича бошқариш усуллари ишлаб чиқиш ва илмий асослаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларни модернизациялаш ва реконструкция қилиш, эскирган жиҳозларни янги, замонавий жиҳозларга алмаштириш, улардан фойдаланишнинг замонавий илғор усуллари қўллаш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “энергия тежамкор қурилмалар ўрнатиш, насос станцияларини модернизация қилиш, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 30 фоизга камайтириш”³, шунингдек Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг

¹ Xingcheng Gan, Ji Pei, Giorgio Pavesi, ShouqiYuan, WenjieWang. Application of intelligent methods in energy efficiency enhancement of pump system: A review. Energy Reports 8(2022). 11592–11606 pp. <https://doi.org/10.1016/j.egyr.2022.09.016>

² Levon Gevorgov, Ehsan Saebnoori, José Luis Domínguez-García and Luis Trilla. Renewable Energy-Driven Pumping Systems and Application for Desalination: A Review of Technologies and Future Directions. Appl. Sci. 2026, 16, 862. <https://doi.org/10.3390/app16020862>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/6600413>

2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида “...сув хўжалиги насос станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш ва фойдаланиш харажатларини камайтириш...”, вазифалари белгилаб берилган⁴. Мазкур вазифаларни амалга ошириш насос станцияларда тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида аҳамият беришни талаб этмоқда, жумладан, энергия ва фойдаланиш самарадорлигини оширадиган янги усуллар, конструкциялар ва технологик ечимларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармонлари, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6024-сон Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотларни таҳлили⁵. Суғориш насос станцияларининг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги технологик ечимлар, конструкциялар ва ҳисоблаш усуллари бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, жумладан Хитойнинг Jiangsu, Yangzhou, Hohai, АҚШнинг GIW Hydraulic Laboratory KSB, Technology Platform for Hydraulic Machine, Буюк Британиянинг Sheffield, Nottingham, Германиянинг Fluidmachinery, Graz University of Technology, Канаданинг McMaster, University of Toronto, Италиянинг Padova, Ҳиндистоннинг Vellore, Санкт-Петербург политехника университети, Москва давлат қурилиш университети, Беларус Миллий техника университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари” Миллий тадқиқот университети, Қарши давлат техника университетларида, Австралиянинг Institute Hydraulic Engineering, Мисрнинг International water Management (IWMI), Mechanical & Electrical Research, Испаниянинг Catalonia Institute for Energy Research, Германиянинг Institute of Hydraulic,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6024-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4892953>

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар: <https://doi.org/10.1016/j.egvr.2022.09.016>; [http://dx.doi.org/10.1016/S0262-1762\(04\)00261-5](http://dx.doi.org/10.1016/S0262-1762(04)00261-5); <http://dx.doi.org/10.1016/j.rser.2010.09.003>; <https://doi.org/10.3390/app16020862>; <https://doi.org/10.1016/j.apenergy.2016.08.070>; DOI: [10.1109/ICSTC.2018.8528643](https://doi.org/10.1109/ICSTC.2018.8528643); <https://doi.org/10.3390/app16020862>; <https://doi.org/10.3390/en1522852> ва бошқа манбалар асосида бажарилди

К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университетининг А.Н. Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон), Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтларида, шунингдек илмий муассасалар - International Association for Hydro-Environment Engineeving and Research (IAHR) ассоциацияси (ХХР), АҚШнинг Hydraulic Institute (HI) институти, Бельгиядаги Europump асоссиацияси, American society of civil Engineers илмий жамиятида, Польшанинг Polish Naval Academy ва бошқа муассасаларда кенг қамровли илмий –тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Насос станциялар иншоотлари ва қувурлар тизимида сув оқимининг гидравлик тузилмасини тадқиқ қилиш масалалари бўйича Yangzhou, Sheffield университетлари ва Австралиянинг Institute Hudraulic Engineering институти мутахассислари бир қанча янги илмий-техник йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Насос станциялари аванкамераларида сув оқимининг оптимал тузилмасини тадқиқ қилиш ва аванкамераларда лойқа чўкишининг олдини олиш ва лойқа чўкмаларини тозалаш усуллари бўйича илмий – тадқиқотлар Нohai, Ислom Каримов номидаги Тошкент давлат техника университет, Қарши давлат техника университетларида, А.Н. Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтларида олиб борилмоқда.

Насос агрегатларининг иш режимларини оптималлаштириш ва бошқариш бўйича тадқиқотлар Буюк Британиянинг Sheffield, Nottingham, Канаданинг McMaster, Беларус миллий техника университетларида, Мисрнинг Mechanical & Electrical Research Institute институтида салмоқли илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Марказдан қочма насосларнинг энергия самарадорлиги масалалари бўйича мажмуавий тадқиқотлар Ҳиндистоннинг Vellore универсиетида бажарилган, АҚШнинг Hydraulic Institute (HI) да насосларни ишлатиш бўйича йўриқномалар, стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар устида ишлашади, Исроилдаги Ashdod шаҳрида жойлашган насос станция жиҳозларини танлаш бўйича Халқаро илмий-тадқиқот марказида насос станциялар қувурлар тизими ва улардаги жиҳозлар ўлчамларини оптималлаштириш масалалари билан шуғулланишади. Польшанинг Polish Naval Academy мутахассислари кўп насосли станцияларда насосларнинг оптимал бошқаруви бўйича тадқиқот ишларини олиб боришади.

Жаҳонда насос станциялар энергия ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари сифатида насос станцияси иш режимларини ресурслар ва электр энергияси истеъмоли минимуми бўйича оптималлаштириш, иншоотлар ва жиҳозлар турлари, ўлчамларини энергия сарфи минимуми талабига мос равишда танлаш, насос станциясида IT-технологиялар, жумладан сунъий интеллектга асосланган “ақлли” бошқарув тизимларини жорий қилиш

масалалари бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларини келтириш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўғориш насос станцияларнинг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга бағишланган илмий –тадқиқот ишлари билан дунёнинг етакчи олимлари, жумладан мустақил ҳамдўстлик давлатлари олимларидан В.И. Виссарионов, В.Я. Карелин, В.В. Рычагов, В.В. Елистратов, М.М. Флоринский, В.Ф. Чебаевский, К.П. Вишневский, А.Д. Петрик, Б.С. Лезнов, Б.Ф. Лямаев, Р.А. Новодережкин, В.Г. Николаев, В.С. Костышин, А.Л. Андронов, В.Л. Еловик, И.В. Войтов, Некрасов В.М, Накладов ва бошқалар, шунингдек, чет эл олимларидан Napierała M. A., B. Stoffel, Anibal T. de Almeida, Kaya D., Pawel Olszewski, Viktor Nenja, Y.M. Chiang, L.C. Chang, Zheng Y, Arun Shankar, Pemberton M., Sychta L., da Costa Bortoni E., Augustyn T., Tamminen J. ва бошқалар шуғулланишган.

Ўзбекистонда сўғориш насос станциялари энергия ва фойдаланиш самарадорлигига оид тадқиқотлар билан шуғулланган олимлар қаторига академик Қ.Р. Аллаев, профессорлар М. Мамажонов, М.М. Мухаммадиев, Б.У. Уришев, О.Я. Гловацкий, Т.С. Тулаганов, Т.С. Камолов, О.Х. Ишназаров, Ш.Х. Рахимов, С.К. Переверзев, Б.М. Шакиров, Э.К. Кан, Ф.Ж. Носиров, В.А. Хохлов ва бошқаларни келтириш мумкин.

Насос станцияларнинг энергия ва фойдаланиш самарадорлигига оид қуйидаги масалалар чуқурроқ ўрганилган ва самарали ечимлари таклиф этилган.

- насос агрегатлари иш режимларини электродвигателга бериладиган электр токи частотасини ўзгартириш усули (қисқача частотани ўзгартириш усули) билан ростлаш;

- насос агрегатлари, электродвигателлар маркалари ва сонини, жиҳозларни ҳамда иш режимларини генетик алгоритм ёрдамида танлаш;

- насос станциялар иншоотлари (аванкамера, сув қабул қилиш камераси, босимли қувур, сув чиқариш иншооти) конструкцияларини такомиллаштириш, уларда янги техник ечимлардан фойдаланиш;

- насос станциялар босимли қувурларида гидравлик зарбани тадқиқ қилиш ва зарба энергиясини пасайтириш;

- насос станциялар энергия таъминотида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш;

- насос станцияларнинг бошқарувида тўлиқ автоматлаштирилган “smart” IT технологиялардан фойдаланиш.

Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган олимлар ишлари натижаларининг муҳимлиги ва салмоқлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, насос станциялар жиҳозларининг оптимал параметрларини аниқлаш ва иш режимларини ростлаш, насос станцияларда энергия истеъмолини оширмасдан сув бериш унумдорлигини ошириш, лойқали сув оқимини ҳайдаб беришнинг насослар самарадорлигига таъсири, аванкамерани лойқа чўкмаларидан тозалашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, насос станцияларда қуёш энергиясини қўллаш ва энергия тўловида

дифференциаллашган тарифлардан фойдаланиш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг ИОТ-2012-5-11 “Насос станция аванкамерасида лойқа босишининг олдини олиш учун мослама яратиш ва тадбиқ этиш” (2012-2013), А-4-24 “Кичик қувватли гидротўплаш электр станциясини қўллаган ҳолда қайта тикланувчи гидравлик энергиядан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш” (2015-2017) ҳамда, F-ОТ-2021-235 «Гидроэнергетикани ривожлантиришда гидроэнергетик комплекслардан фойдаланишнинг назарий асослари» (2021-2025) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади насос станциялар энергия ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича янги конструктив ва технологик ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг гидравлик, техник, энергетик параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

насос станциялар энергия ва фойдаланиш самарадорлиги масалалари бўйича бажарилган илмий – тадқиқотлар, чоп этилган манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқотларни бажариш дастурини тузиш;

насос станциялар босимли қувурлари ва улардаги жиҳозларининг оптимал параметрларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш;

параллел ишлаётган марказдан қочма насослар иш режимларини оптимал ростлаш усулини ишлаб чиқиш;

насос станцияларда энергия истеъмолини оширмасдан сув бериш унумдорлигини ошириш усули ва схемасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмалардан тозалаш қурилмасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмалардан тозалаш қурилмаси напор-сув сарфи характеристикасининг аналитик ифодасини ишлаб чиқиш;

насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмалардан тозалаш қурилмасининг лаборатория тадқиқотларини ўтказиш;

лойқали сув оқимини ҳайдаб беришнинг насослар самарадорлигига таъсирини аниқлаш;

насос станцияларда қуёш энергиясидан максимал фойдаланишни таъминлайдиган насослар оптимал иш режими ва параметрларини аниқлашнинг услубиёти ишлаб чиқиш;

суғориш насос станцияларида энергия тўловини дифференциаллаштирилган тарифларга ўтказиш ҳамда энергетика тизимида насос станциялардан “истеъмолчи – ростловчи” режимида фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг услубиётини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги Вазирлиги тизимидаги суғориш насос станциялари қабул қилинган.

Тадқиқот предмети насос агрегатларининг гидравлик ва энергетик параметрлари, насосларнинг ишчи характеристикалари, қувурларда сув оқимининг, шу жумладан лойқали оқимнинг напор-сув сарфи параметрлари, аванкамераларда лойқа чўкиши жараёни параметрлари, фотоэлектрик қурилмалар кўрсаткичлари, энергия тўлови тарифлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда насос станциялар жиҳозлари ва иншоотларида сув оқими жараёнини гидравлик моделлаштириш, қурилмалар ва насос агрегатининг параметрларини аниқлашнинг аналитик, график, графоаналитик усуллари, экспериментларни ўтказиш ва натижаларга ишлов беришда математик статистика, экспериментларни режалаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лойқали сув оқимини ҳайдаб берадиган насос станцияларда оқимнинг гидравлик параметрларининг ўзгаришини инобатга олиб, бу жараённинг насослар самарадорлигига таъсирини аниқлаш услубиёти такомиллаштирилган;

насос станциялар аванкамераларида лойқа чўкмаларини тозалашнинг гидрооқимчали насосдан фойдаланишга асосланган самарали янги қурилмаси таклиф этилди ва ушбу қурилманинг оптимал параметрларини аниқлаш имконини берадиган напор – лойқа сув сарфи характеристикасининг аналитик ифодаси таклиф этилган;

лойқа чўкмаларини тозалаш учун хизмат қиладиган гидрооқимчали насоснинг тажрибавий тадқиқотлари асосида напор – лойқа сув характеристикаси ва унинг эмпирик тенгламаси олинган;

параллел ишлаётган марказдан қочма насосларнинг иш режимларини ФИК максимуми мезони бўйича ростлаш, қувурлар ва улардаги жиҳозлар ўлчамларини ҳамда энергия истеъмолини улар учун сарф бўлган харажатларнинг минимуми бўйича оптималлаштириш услубиёти ишлаб чиқилган;

насос станция сув бериш унумдорлигини ошириш учун гидрооқимчали насосдан фойдаланиш ва бу жараёнда асосий насос иш режимини частота ўзгартиргич ёрдамида ростлашнинг янги тизими таклиф этилди ва ушбу тизим асосида станциянинг сув бериш унумдорлигини ошириш ҳамда энергия истеъмолини камайтириш мезонлари бўйича оптимал параметрларини аниқлаш усулбўиёти ишлаб чиқилган;

қуёш энергиясидан таъминланадиган насос станциялар иш режими ва параметрларини агрегатларининг максимал фойдали иш коэффициентини таъминлаш ҳамда қуёш энергиясидан максимал фойдаланиш мезонлари бўйича оптималлаштириш услубиёти ишлаб чиқилган;

суғориш тизимидаги насос станцияларда энергия тўловини дифференциаллаштирилган (табақалаштирилган) тарифларга ўтказиш ҳамда энергетика тизимида насос станциялардан “истеъмолчи – ростловчи” режимида фойдаланиш параметрларини ва самарадорлигини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

насос станцияси аванкамерасида лойқа чўкмаларини тозалаш бўйича янги самарали қурилма схемаси ишлаб чиқилган ва параметрлари аниқланган;

насос станцияси аванкамерасидаги лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасининг напор-сув сарфи характеристикасини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

насос станция сув бериш унумдорлигини ошириш бўйича гидрооқимчали насосдан фойдаланишга асосланган янги қурилма схемаси ишлаб чиқилган ва параметрлари аниқланган;

насос станцияларда энергиянинг ортиқча сарфини камайтириш ва лойқали сув оқимининг насослар самарадорлигига таъсирини аниқлаш усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

насос станцияларда қуёш энергиясидан ва энергия тўловларида дифференциаллаштирилган (табақалаштирилган) тарифлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий изланишларнинг кенг қўлланиладиган математик ва физик қонуниятлар асосида бажарилганлиги, уларнинг экспериментлар натижаларига мос келиши, экспериментлар моделлаштириш қонунларига мос равишда ўтказилганлиги ва уларнинг натижаларига ишлов беришда математик статистика қонуниятларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти насос станцияларининг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий-методологик асослари яратилганлиги ва улар насос станцияларидан фойдаланиш назарияси ва методологиясини бойитиш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти насос станциясида энергия тежамкорлигига эришиш, фойдаланиш харажатларини қисқартириш асосида насос станцияси ҳайдаб бераётган сув таннархининг камайиши ҳисобига насос станцияси самарадорлигининг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Насос станцияларининг эксплуатацион самарадорлигини ошириш бўйича янги конструкциялар, технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

насос станциялари сув қабул қилиш иншооти (аванкамераси)да лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк марказининг фойдали моделига патент олинган (“Сув қабул қилиш иншооти” № FAP 00938). Натижада насос станцияси сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари мазкур қурилманинг муқобил вариантлари - земснарядларга нисбатан 20÷30 баробар, грунт насосларга нисбатан 1,5÷2,5 баробар арзонлашиши мумкинлиги аниқланган;

насос станцияси сув бериш унумдорлигини ошириш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк марказининг фойдали моделига патент олинган (“Унумдорлигини ошириш қурилмаси бўлган насос қурилмаси” № FAP 01200). Натижада насос станцияси сув бериш унумдорлигини 15...45 % гача ошириш насос қувватини 2,5...18,2 % гача тежаш имкони яратилган;

насос станциялари сув қабул қилиш иншооти (аванкамераси)да лойқа чўкмаларини тозалаш қурилмаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси таркибидаги “М-II-2” насос станцияларида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 18 майдаги 04/20-2472-сон маълумотномаси). Натижада насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш харажатлари бир йилда земснарядларга нисбатан 28,8 баробар, грунт насосларга нисбатан 1,96 баробар арзонлашди ва 39400 кВт·соат электр энергияси тежалган;

насос станциялар сув бериш унумдорлигини оширишнинг гидрооқимчали насосдан фойдаланиш ва асосий насос иш режимини частота ўзгартиргич ёрдамида ростлаш тизими Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Айқорон-1” насос станциясида жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 18 майдаги 04/20-2472-сон маълумотномаси). Натижада насос станциялар сув бериш унумдорлигини оширишда гидрооқимчали насосдан фойдаланиш туфайли келадиган фойда унга сарф қилинган маблағга нисбатан 1,19 баробар фойда келтириш имкони яратилган;

насос станцияси босим қувурлари ва улардаги жиҳозларнинг оптимал ўлчамларини аниқлаш услугиёти Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги “Қишлиқ” насос станциясини реконструкция қилиш ишларида қўллаш учун қабул қилинди. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 18 майдаги 04/20-2472-сон маълумотномаси). Натижада насос станциясида ҳар бир кубометр ҳайдаб бериладиган сув миқдори учун 0,01226 кВт·соат электр энергиясини тежаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 11 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шу жумладан 2 та хорижий журналда, 10 та республика журналларида, 1 та монография нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк марказидан 1 та ихтирога патент, 1 та фойдали моделга патент ва 2 та ЭХМ дастурий маҳсулоти учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимиз ва жаҳонда бажарилган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, усуллари келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишнинг апробацияси ва натижаларининг жорий қилиниши, ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Суғориш насос станцияларининг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари таҳлили: асосий трендлар, ютуқлар ва камчиликлар”** номли биринчи бобида суғориш насос станцияларининг энергия ва фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича замонавий тенденциялар ва бу соҳа бўйича тренддаги асосий йўналишлар таҳлили, насос станциялар (НС) аванкамераларида лойқа чўкмаларининг энергия самарадорлигига таъсирини баҳолаш ва лойқадан тозалаш усуллари, қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш, энергия тизимларида НСдан ростловчи-истеъмолчи мақомида фойдаланиш ва уларнинг энергия тўловларида табақалаштирилган тарифларни қўллаш каби масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур таҳлиллар асосида ҳозирги кунда НС энергия ва фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари аниқланиб, улар бўйича диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертация ишининг **“Насослар оптимал иш режимларини моделлаштиришда технологик жараёнлар ва янги техник ечимлар таъсирини ҳисобга олиш”** деб номланган иккинчи бобида насослар иш режими самарадорлигига қувурлардаги лойқали сув оқимининг таъсирини аниқлаш, параллел ишлаётган насослар сув ҳайдаб берадиган қувурлар тизимининг гидравлик кўрсаткичларини яхшилаш асосида энергиянинг ортиқча сарфини камайтириш, насос станцияси сув бериш унумдорлигини ошириш бўйича янги қурилманинг тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Лойқа миқдори кўп бўлган сув оқимларини ҳайдаб берадиган НСда энергия истеъмоли кўп бўлади, чунки лойқа заррачалари гидравлик қаршилик қийматининг ошишига, насосда қўшимча зўриқиш ва титрашнинг кўпайишига олиб келади, насос сув бериш унумдорлиги камайишига сабаб бўлади, натижада лойқа оқими зичлигининг ошиши ҳисобига қўшимча энергия сарф бўлади.

Горизонтга нисбатан қия жойлашган қувурларда (кўпчилик НСдагидек) лойқали сув ҳайдаб берилганда юзага келадиган солиштирма гидравлик

қаршиликлар қийматини аниқлаш имконини берадиган тенгламалар бир қанча тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган. Шулардан кўпроқ қўланиладиган тенгламалар Лобанов Д.П., Смолдырев А.Е. томонидан қуйидаги кўринишда таклиф этилган

$$i_{л.з.} = i_c \left[1 + 10 \cdot a \cdot \delta \frac{g \cdot D}{(g_{л.о} - \theta)^2} \right] \quad 1 < Fr_a < 10 \text{ бўлганда} \quad (1)$$

бунда, Fr_a – лойқали оқимнинг Фруд сони ва бу қиймат қуйидаги тарзда аниқланади

$$Fr_a = \frac{(g_{л.о} - \theta)^2}{a \cdot g \cdot D} \quad (2)$$

i_c – қувурда сув бўлганда юзага келадиған солиштирма гидравлик қаршилик қиймати, δ – лойқа заррачаларининг ҳажмий концентрацияси, a – лойқа заррачаларининг нисбий зичлик коэффиценти, θ – лойқа заррачаларнинг гидравлик йириклиги, $g_{л.з.}$, $g_{л.о}$ – лойқа заррачаларининг ва лойқа оқимининг тезлиги.

Ушбу усул ёрдамида $i_{л.з.}$ ни Д1250 – 65 насоси ёрдамида диаметри $D=0,4$ метр бўлган босимли қувурга $Q=0,28$ м³/с лойқали оқимни $H_f=22$ м баландликга ҳайдаб бераётган насос қурилмаси мисолида аниқлаймиз. Ҳисоблар натижаларига кўра $i_{л.з.} = i_c \cdot 1,41$ олинди, яъни лойқали сув оқимини ҳайдаб беришда i_c нинг қиймати 41 % га ошади ва бунинг натижасида узунлиги $L=150$ метр бўлган босимли қувурда насос напори қуйидаги боғланиш асосида ўзгаради.

$$H = H_f + 1,41 \cdot i_c \cdot L \cdot Q^2 \quad (3)$$

Ҳисоблар натижалари лойқа ҳажмий концентрацияси 5 % бўлган оқимни ҳайдаб беришда напор қиймати 3,7 % га ошишини, бунинг натижасида насос сув бериш унумдорлиги 0,28 м³/с дан 0,265 м³/с гача камайишини (5,3 %), электр энергияси эса 1,7 % ортиқча сарф бўлишини кўрсатди.

Насосларнинг умумий босимли қувурга бир вақтда параллел ишлаши қувурларга сарф бўладиган харажатларни кескин камайтиради, лекин параллел ишлаётган насосларда напор йўқолиши ҳисобига ортиқча энергия сарфланади ва бунинг натижасида умумий сув бериш унумдорлиги пасаяди. Напор йўқолиш қиймати гидравлик қаршиликлар ва қувур диаметри қийматларига боғлиқ бўлади. Шуни ҳисобга олиб қувур ва унда ўрнатиладиган жиҳозлар, фитинг қисмларнинг иқтисодий мақбул диаметрини қуйидаги формула билан ҳисобланадиган харажатлар минимуми бўйича аниқлаш тавсия этилади.

$$PC_i = CE_i(v + c + r) + t_e \cdot K_1 \frac{\Delta t}{\eta_i} \frac{Q_i^3}{D_{\text{оци}}^4} \rightarrow \min \quad (4)$$

бунда, PC_i – 1 метр қувур узунлигига келтирилган йиллик харажатлар, CE_i – 1 метр қувурни сотиб олиш ва ўрнатишга сарф бўлган харажатлар, v – қувур қурилишини молиялаштиришда қўлланилган банк фоизи, c – амортизация ажрими, r – жорий таъмирлаш харажатлари, t_e – электр

энергияси тарифи, $K_1 = 0,811 \left(\sum \xi_m + \lambda \frac{L_{\text{бос}}}{D_{\text{бос}}} \right)$ га тенг. Бунда асосий чегаравий шартлар куйидагича:


- а) $Q_i = Q_{\text{исми}}$, яъни насос сув сарфи талабга мос бўлиши керак }
 б) $\eta_i = \eta_{\text{max}}$, насослар ФИК максимал бўлиши керак. } (5)

Бу шартларни бажариш учун насослар маркалари ва сонини тўғри танлаш, уларнинг иш режимини оптимал ростлаш орқали амалга оширилади. Насослар иш режимини ростлаш жуда зарур, буни куйидаги 1-расмдаги графиклар орқали ифодалаш мумкин.


Насослар маълум T вақт давомида Q_1 дан $Q_{\text{ум}}$ гача бўлган ўзгарувчан сув сарфини (5) шартларни бажарган ҳолда бериши лозим, лекин ушбу ҳолатда фақат Q_3 ва $Q_{\text{ум}}$ қийматлари насослар ишчи нуқталарига эга, яъни $Q_i = Q_{\text{исми}}$ шарти бажарилади, қолган сув сарфи қийматлари учун насос иш режимини ростлаш лозим.

Ҳозирги кунда насосларнинг иш режимларини ростлашнинг дросселлаш ва электр токи частотасини ўзгартириш усуллари энг кўп қўлланиладиган усуллар ҳисобланади.

Ушбу усуллардан, масалан, 1 ва 2 ишчи нуқталар учун фойдаланиш мумкин, бунда Q_1 ва Q_2 сув сарфларини бериш учун частота ўзгартириш усулидан фойдаланиш керак. Буни куйидаги 2-расмдаги график орқали кўрсатиш мумкин.



1 – расм. Сув истеъмоли графиги асосида параллел ишлаётган насослар иш режимлари графиклари



2 – расм. Насос иш режимини дросселлаш ва частотани ўзгартириш усуллари ёрдамида ростлаш графиклари

Насосни Q_1 сув сарфини беришга ростлаш учун биринчи навбатда дросселлаш усулидан фойдаланиб ишчи нуқта A'_3 нуқтага ўтказилади, чунки A_3 нуқтада насос ФИК қиймати паст. Бунда Q'_3 аниқлаш учун $\eta = c \cdot Q - d \cdot Q^2$ тенгламадан фойдаланамиз.

$$Q_3' = \frac{c \pm \sqrt{c^2 - 4 \cdot d \cdot \eta_{\max}}}{2 \cdot d} \quad (6)$$

бунда, c ва d ФИК графигининг ўзгармас коэффициентлари.

Насос Q_3' сув унумдорлигини бериши учун қулфакни қанча даражага ёпиш зарурлигини унинг гидравлик қаршилик коэффициентини ҳисоблаш орқали аниқлаймиз. Насосни ФИК юқори бўлган A_3 нуқтадан A_1 нуқтага ўтказиш учун частота ўзгартириш усулидан фойдаланиб, A_1 ишчи нуқтага мос келадиган насоснинг янги напор характеристикаси $H'_1 - Q$ ҳисоблаб қурилади, натижада насос сув бериш унумдорлиги Q_1 га тенг бўлади.

Бунда (5) шарт бажарилади, чунки $\eta \rightarrow \max$ ва $Q_i = Q_{\text{устм}}$ талаблари таъминланади. Худди шу услубиёт асосида қолган ишчи нуқталар бўйича ҳам насослар иш режимларини частота ўзгартириш ва дросселлаш усуллари орқали ростлаш ишлари бажарилади.


НС сув бериш унумдорлигини ошириш учун гидрооқимчали аппаратлардан фойдаланиш мумкин, бу усул асосан саноат корхоналарида, иссиқ сув етказиб бериш тизимларида, ГЭС ва НСда дренаж сувларини чиқариб ташлаш учун қўлланилади. Ушбу усул ёрдамида насос станцияси берадиган сув миқдорининг 10...80 % игача бўлган қўшимча сувни геометрик напорнинг 8,0...40 % га тенг баландлигига электр энергиясиз ҳайдаб бериш мумкин.

Гидрооқимчали насос (ГН) ёрдамида сув бериш унумдорлиги оширилган насос қурилмаси схемаси 3 – расмда келтирилган (№ FAP 01200).

ГНнинг иш режимини ифодалайдигани асосий характеристика сифатида напор – сув сарфи характеристикаси $q = f(h)$ қабул қилинади. Напор ва сув сарфи қийматларини баҳолаш учун ўлчамсиз h қиймати қабул қилинади.

$$h = \frac{h_{\text{гн}} - h_{\text{сўр}}}{H_{\text{н}} - h_{\text{сўр}}} \quad (7)$$

$H_{\text{н}}$ – асосий насос напори, $h_{\text{сўр}}$ – сўриладиган сув оқими напори, $h_{\text{гн}}$ – ГН геометрик напори.



3 – расм. Марказдан қочма ва ГНдан иборат сув ҳайдаш қурилмаси схемаси

ГНларнинг параметрларини аниқлаш бўйича энг мукаммал услубиёт Е.А. Соколов, Н.М. Зингер услубиёти ҳисобланади. Ушбу услубиётдан фойдаланган ҳолда баъзи ўзгартириш ва соддалаштиришларни киритиб, h , q

ва k ни ҳисобга олган ГНнинг асосий характеристикаси $h = f(q)$ нинг тенгламаси келтирамиз.

$$h = \frac{1,76}{k} - q^2(a - b) - q \cdot c - a \quad (8)$$

бунда $a = \frac{1,805 \cdot \varphi_n - 0,731}{k^2}$; $b = \frac{0,705}{k(k-1)}$; $c = \frac{3,61 \cdot \varphi_n - 1,462}{k^2}$; $q = \frac{Q_{сър}}{Q_c}$; $k = \omega_{ак} / \omega_{con}$

φ_n – аралаштириш камерасида насосдан берилаётган ва сўрилаётган сувнинг аралаштириш даражасини аниқловчи коэффицент.


ГН ёрдамида насос станцияси сув бериш унумдорлигини ошириш параметрларини қуйидаги тартибда аниқлаймиз.

1. Сув истеъмоли талабига кўра насос сув бериш унумдорлиги Q_n ни α фоизга ошириш керак бўлса, унда соплога насосдан бериладиган сув миқдори ва янги айланишлар сони қуйидаги ифодаalar билан аниқланади.

$$Q_c = Q_{сър} / q = \alpha \cdot Q_n / q; n = n_{ном}(Q_1 / Q_2); n = n_{ном}(H_1 / H_2)^{0,5}; \quad (9)$$

бунда, $q = 0,3 \dots 1,0$ бўлиши тадқиқотлар натижаларига кўра мақбул ҳисобланади.

2. Насоснинг янги айланишлар сонига мос келадиган янги напор характеристикаси $H_1 - Q$ ва ФИК характеристикаси $\eta'_1 - Q$ ни қурамиз (4– расм). Бунда $Q_c = Q_1$.



3. Қабул қилинган q қиймати бўйича (8) формула бўйича h қийматини аниқлаймиз.

4. Сопло кўндаланг кесими юзаси ва ундаги сув тезлигини аниқлаймиз

$$\omega_{con} = Q_c / \vartheta_{con}; d_c = (1,27 \cdot \omega_{con})^{0,5} \quad (10)$$

$$\vartheta_{con} = \varphi_1 \sqrt{2g(H_n - h_{сър})}; \varphi_1 = 0,95 \quad (11)$$

4 - расм. ГНга сув беришда насос иш режими ўзгариши

5. Аралаштириш камераси ўлчамларини $k = \omega_{ак} / \omega_{con}$ га асосланиб аниқлаймиз.

$$\omega_{ак} = k \cdot \omega_{con}; d_{ак} = (1,27 \cdot \omega_{ак})^{0,5} \quad (12)$$

6. Аралаштириш камераси ва диффузор узунлигини аниқлаймиз.

$$l_{ак} = (6,0 \dots 10,0) \cdot d_{ак}; l_{диф} = (6,0 \dots 7,0) \cdot (d_{диф2} - d_{диф1}) \quad (13)$$

7. ГНга сув бериш ҳамда сўриш қувурларининг диаметрларини ҳисоблаймиз, яъни $d_{с.б} = (2,0 \dots 2,5) d_{ак}$; $d_{сър} = 3,0 \cdot d_{ак}$.

8. ГН қурилмасида ва унга сув бериш қувурида напор йўқолиш қийматлари $\Sigma \Delta h_{қур.}$ ни гидравлик ҳисоблар ёрдамида аниқлаймиз ва ГНнинг напори $H_{гн}$ ни ҳисоблаймиз

$$H_{гн} = H_{Г1} + \Sigma \Delta h_{қур.} \text{ бунда } h_{гн} = H_{Г1} = h(H_1 - h_{сър}) + h_{сър} \quad (14)$$

Ҳисобларда ГН сув бериш унумдорлиги қуйидаги тарзда олинган $Q_{\text{гн}} = Q_{\text{сўр}} + Q_{\text{с}} = \alpha \cdot Q_{\text{н}} + Q_{\text{с}}$

9. ГН қурилмаси қувурлар тизимининг гидравлик қаршилик коэффиценти $c = \Sigma \Delta h_{\text{қур}} / Q_{\text{гн}}^2$ ни аниқлаймиз ва напор характеристикаси $H_{\text{қув}} - Q$ ни кураимиз. Ушбу характеристика насоснинг янги напор характеристикаси $H_1 - Q$ билан B нуктада кесишади ва бу нукта ГН қурилмасининг ишчи нуктаси ҳисобланади. Демак асосий насоснинг айланишлар частотасини камайтириб ГНга Q_1 миқдорда сув берилганда геометрик напорнинг $H_{\text{Г}}$ дан $H_{\text{Г1}}$ га камайиши ҳисобига соплота берилаётган сув сарфи $Q_{\text{В}}$ га тенг бўлади. Бундай шароитда насоснинг ГН билан биргаликдаги сув бериш унумдорлиги $Q_{\text{гн}} = Q_{\text{сўр}} + Q_{\text{В}} = q \cdot Q_{\text{В}} + Q_{\text{В}}$ га тенг бўлади. Лекин бу сувни қурилма фақат $H_{\text{Г1}}$ баландликка ҳайдаб бериши мумкин, шу сабабли $Q_{\text{гн}}$ сув сарфини $H_{\text{Г}} - H_{\text{Г1}}$ баландликка бериш учун ёрдамчи насосдан фойдаланилади.

Ушбу услубиёт асосида Д5000-32 маркали насоснинг сув бериш унумдорлигини ошириш бўйича ҳисоблари қуйидаги параметрлар асосида бажарилди: $n_{\text{ном}} = 730$ айл/мин, $D_1 = 700$ мм, $H_{\text{Г}} = 30$ м, $H_{\text{н}} = 35$ м, $Q_{\text{н}} = 1,2$ м³/с, $h_{\text{сўр}} = 2,0$ м. ГНга бериладиган сув сарфини $Q_{\text{н}}$ нинг 60 % и, яъни $Q_{\text{с}} = 0,72$ м³/с қабул қилинди. ГН босимли қувури диаметри $D_{\text{бос}} = 800$ мм, узунлиги $L_{\text{бос}} = 20$ м.

Ҳисоблар натижалари 1 – жадвалда келтирилган.

1-жадвал

НС сув бериш унумдорлигини ошириш усуллари параметрлари

$H_{\text{Г1}}$, м	Пара- метрлар	1 - усул			2 - усул		
		Асосий насос (меъёрий режим)	Қўшимча насос	Жами	Иш режими ростланган ва гидрооқимчали насослар	Ёрдамчи насос қурилмаси	Жами
18	$Q, \text{м}^3/\text{с}$	1,2	0,44	1,64	$Q_{\text{В}} = 1,31$	0,33	1,64
	$H, \text{м}$	35,0	37	37	$H_{\text{В}} = 23,8$	13,8	37,6
	η	0,89	0,75		$\eta_{\text{В}} = 0,89$	0,80	
	$N, \text{кВт}$	463	213,0	676,0	$N_{\text{В}} = 344,0$	277,0	621,0

ГНдан фойдаланиш ҳисобига асосий насос сув бериш унумдорлиги 0,44 м³/с га, яъни 36,7 % га ошади ва бунда сувни ҳайдаб беришга сарф бўладиган қувват 55 кВтга, яъни 8,1 % га камаяди. Агар насос ушбу режимда бир йилда 2000 соат ишласа, тежалган электр энергия миқдори 110000 кВт·соатни ташкил қилади.

Диссертация ишининг “**Насос станцияси сув қабул қилиш иншоотини лойқа чўкиндиляридан тозалашнинг энергия самарадор усуллари аниқлаш**” деб номланган учинчи бобида аванкамераларни лойқа чўкиндиляридан тозалашнинг янги, ГНдан фойдаланишга асосланган қурилмасининг тадқиқотлари натижалари келтирилган.


Мазкур қурилманинг ишлаши қуйидаги тарзда амалга оширилади (5-расм). Босимли қувурдан сув қувурча 6 орқали ГН 7 га берилиши натижасида хандак 8 даги лойқа пульпопровод 9 га сўрилиб, насос 7 ёрдамида

гидроаралашмани ташувчи босимли қувур 11 орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Ушбу қурилманинг қуйидаги афзалликлари бор.

а) қурилмани ўрнатиш учун НС биноси, қувурлар тизимида ҳеч қандай конструктив ўзгартиришлар амалга оширилмайди;

б) лойқа тўплаш хандаклари чўкмаларнинг энг кўп тўпланадиган жойларига ўрнатилганлиги учун улардан аванкамерани тозалаш самарадорлиги ошади ва унинг учун кам вақт талаб қилинади;



5 – расм. Насос станцияси аванкамерасини лойқа чўкмаларидан тозалаш қурилмаси схемаси

1 – аванкамера; 2 – сўриш қувурлари; 3 – насос агрегати; 4 – босимли қувур; 5 – қулфак (затвор, задвижка); 6 – лойқа тозалашга босимли сув бериш қувурчаси; 7 – ГН; 8 – лойқани тўплаш хандаклари; 9 – пульпопровод; 10 – лойқани кўзгатиш учун бериладиган босимли сув қувурчаси, 11- ГНнинг босимли қувури.

в) қурилма учун алоҳида электр энергияси сарф бўлмайди (бериладиган сув энергиясидан ташқари).

Таклиф этилган ушбу қурилма энергия сарфининг минималлиги, конструкциясининг жуда соддалиги, уни қуриш ва ишлатиш учун минимал харажатлар талаб этилиши билан бошқа қурилмалардан ижобий томондан катта фарқ қилади.

Ушбу қурилма бўйича олиб борилган назарий тадқиқотлар асосида лойқа чўкмаларини тозалашга мўлжалланган ГН параметрларини аниқлаш учун $h=f(q_m)$ характеристикаси таклиф этилди.

$$h = 0,902 \cdot \bar{\omega} \left\{ 1,75 + 0,3 \bar{\omega} S q_m^2 (1 + \alpha) \cdot \left(\frac{\rho_c}{\rho_{л.о.}} \alpha + \frac{\rho_c}{\rho_m} \right) - \right. \\ \left. - 1,34 \bar{\omega} [1 + q_m (1 + \alpha)] \cdot \left[\frac{\rho_c}{\rho_{л.с.}} (1 + \alpha \cdot q_m) + \frac{\rho_c}{\rho_m} q_m \right] \right\} \quad (15)$$

$\bar{\omega} = \omega_1/\omega_2$ - нисбий кўндаланг кесим юзаси қиймати; ω_1 – соплонинг кўндаланг кесим юзаси; ω_2 – аралаштириш камерасининг кўндаланг кесим юзаси; h - ГН нисбий напори (7) формула билан аниқланади.

$S = 1/(1-\bar{\omega})$, $q_m = \frac{Q_m}{Q_n}$ - лойқанинг нисбий сарфи; $\alpha = \frac{Q_{суб}}{Q_m}$; бунда, $Q_{суб}$ ва Q_m - лойқали оқим таркибида сув ва лойқа (қаттиқ жисм) сарфи; $\rho_c, \rho_{л.о.}, \rho_{л.с.}, \rho_m$ - босимли сув, лойқали оқим, сув ва лойқали оқим аралашмаси, лойқадаги қаттиқ заррачалар зичликлари.

Ушбу тенгламадан олдиндан маълум бўлган $\bar{\omega}$, S ва ρ_c, ρ_m қийматлари асосида ва $\rho_{л.о.}, \rho_{л.с.}, \alpha$ қийматларини ҳисоблаб q_m қийматини қуйидаги боғланиш билан топиш мумкин

$$q_m = \frac{-B + \sqrt{B^2 - 4 \cdot A \cdot C}}{2 \cdot A} \quad (16)$$

бунда A, B, C параметрлари қиймати қуйидаги тарзда аниқланади.

$$\begin{aligned} A &= 2 \cdot [1,34(\bar{\rho}_{л.с.} + \bar{\rho}_m) - 0,3(\bar{\rho}_{л.о.} + \bar{\rho}_m) \cdot S] \\ B &= 1,34 \cdot (3 \cdot \bar{\rho}_{л.с.} + \bar{\rho}_m) \\ C &= 2 - 0,262 \cdot h^{-1} - 0,656 \cdot \bar{\rho}_{л.с.} \end{aligned} \quad (17)$$

Нисбий зичлик: $\bar{\rho}_{л.о.} = \rho_c / \rho_{л.о.}$ - лойқали оқим, $\bar{\rho}_{л.с.} = \rho_c / \rho_{л.с.}$ - сув ва лойқали оқим аралашмаси, $\bar{\rho}_m = \rho_c / \rho_m$ - қаттиқ лойқа заррачалари.

ГН параметрларини аниқлашда кўп сонли тажрибаларга асосланган тавсиялардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

а) бериладиган ишчи сув сарфининг умумий сув сарфига нисбатининг оптимал қийматлари қуйидагича бўлиши лозим

$$Q_c / (Q_c + Q_{л.о.}) = 0,3 \dots 0,6 \quad (18)$$

б) геометрик ўлчамлар нисбатини Г.С. Щербинанинг қуйидаги тавсиялари билан таққослаш лозим:

$$\frac{d_k}{d_{con}} = 2,0 \dots 4,5 \quad (19)$$

в) ГНнинг напорини ҳам Г.С. Щербина таклиф қилган боғланиш билан аниқлаш мақсадга мувофиқ.

$$\frac{h_{сн}}{H_n} = 0,242 \left(\frac{\rho_c \cdot Q_c}{\rho_{л.о.} \cdot Q_{л.о.}} \right)^{0,779} \quad (20)$$


бунда $\rho_c, \rho_{л.о.}$ - сув ва лойқали оқимнинг зичликлари, Q_c - насосдан бериладиган босимли сув сарфи, $Q_{л.о.}$ - лойқали оқим сарфи, H_n - асосий насос напори.

Юқорида келтирилган тавсиялар ва (15), (16) ва (17) тенгламалар асосида ГНнинг напор-лойқа сарфи характеристикасини қуйидаги кўринишда тақдим этиш мумкин (6-расм). Бунда бирламчи параметрлар қуйидагига тенг: $Q_c = 25$ м³/соат, напор $H_n = 40 \dots 62$ метр, $\rho_m = 2200$ кг/м³, сўриш баландлиги $h_{ср} = 2,5$ метр.

ГН билан лойқа тозалаш жараёнининг экспериментал қонуниятларини ўрганиш, ГНнинг асосий параметрлари орасидаги узаро боғлиқликни намоён этувчи боғлиқларни, жумладан напор - лойқа сарфи характеристикасини

аниқлаш мақсадида лаборатория тадқиқотлари ҳам ўтказилди. Тадқиқотлар қуйидаги параметрлар асосида ўтказилди.


$$d_{кам}/d_{con}=2,14; \quad H_n=31,7...35 \text{ м.}; \quad Q_c=1,96...2,80 \text{ л/с}; \quad h_{сўр}=0,6 \text{ м.}$$



6– расм. ГН напор-лойқа сарфи характеристикаси графиги

Лаборатория тадқиқотлари натижаларига асосланиб ГНнинг напор – лойқа сарфи характеристикаси аниқланди (7 – расм).

Юқоридаги графикда (15), (16), (17), (20) тенгламалар асосида ҳисобланган натижалар $h=f(q_m)$ функцияси кўринишда келтирилган ва унинг натижалари тажрибалар натижаларига мос келади (ўрта квадрат оғиш қиймати 5 %). Ушбу функционал боғланиш қийматлари асосий насос напори H_n , ГНга бериладиган сув сарфи Q_c , сўриш баландлиги $h_{сўр}$, геометрик ўлчамлар $d_{кам}/d_{con}$ нисбати, лойқадаги қаттиқ заррачалар зичлиги ρ_m га боғлиқ равишда ўзгаради.




7-расм. ГН напор-лойқа сарфи характеристикаси графиги

Диссертациянинг “Насос станцияси энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган технологик моделлардан фойдаланиш” номли тўртинчи бобида НС энергия таъминотида қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш схемалари ва технологик жараёнини моделлаштириш ҳамда станцияларни “истеъмолчи – ростловчи” режимида ишлатиш ва улар учун энергия тўловларини табақалаштирилган тарифларда амалга оширишнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

НСларни фотоэлектрик станция (ФЭС) энергияси билан таъминлашнинг асосий мезони сифатида қуёш энергиясидан максимал фойдаланиш ва НС эҳтиёжини тўлиқ қондиришни таъминлаш талаблари келтириш мумкин:

$$\mathcal{E}_{\Phi\mathcal{E}C}(T) \rightarrow \max; \mathcal{E}_{\Phi\mathcal{E}C}(T) = \mathcal{E}_{HC}(T) \quad (21)$$

Ушбу мезонни бажаришда асосий чекловлар ва ишлаш шартлари қуйидагилардан иборат:



8- расм. Насос станциясини қуёш энергиясидан таъминлаш тизими схемаси

1 – қуёш панеллари; 2 – тармоқ инвертори; 3 – бошқарув маркази; 4 – кучланишни ошириш трансформатори; 5 – кучланишни камайтириш трансформатори; 6 – насос станцияси, 7-энергия тўплаш қурилмаси.

а) НСнинг $T=t_2 - t_1$ вақт давомида ҳайдаб берган сув миқдори V_{HC} истеъмолчи томонидан талаб қилган сув миқдори V_{uct} дан кам бўлмаслиги керак, яъни:

$$V_{uct} - \int_{t_1}^{t_2} Q_{HC}(t) dt = \mathcal{E}_{HC} \cdot 367 \int_{t_1}^{t_2} H^{-1}(t) \cdot \eta(t) dt - \int_{t_1}^{t_2} Q_{HC}(t) dt = 0 \quad (22)$$

б) насос агрегатлари ФИК юқори қийматларда бўлиши керак, яъни:

$$0,98 \cdot \eta_{max} \leq \eta(t) \leq \eta_{max} \quad (23)$$

в) насос напори қийматларида ҳам чеклов мавжуд, яъни:

$$H_{min} \leq H \leq H_{max} \quad (24)$$

Юқорида келтирилган мезон асосида V_{uct} сув ҳажмини ҳайдаб беришда НС энергия истеъмоли $\mathcal{E}_{HC}$ ни таъминлаш учун зарур бўлган N_{HC} , $N_{\Phi\mathcal{E}C}$ қийматлари ва насослар сони маркасини аниқлаш ҳисоблари алгоритми блок-схемасини 9 - расмда келтирамиз.


ФЭС (НС) ўртача қуввати ва сув бериш унумдорлиги қийматини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин

$$N_{\Phi\mathcal{E}C\dot{y}p} = \mathcal{E}_{HC} / T_{\Phi\mathcal{E}C\dot{y}p}, \text{ кВт}, \quad Q_{HC\dot{y}p} = N_{\Phi\mathcal{E}C\dot{y}p} \cdot \eta_{HC} / 9,81 \cdot H_n, \text{ м}^3/\text{с} \quad (25)$$


бунда $T_{\Phi\mathcal{E}C\dot{y}p}$ – ФЭС нинг кун давомида ўртача ишлаш вақти, соат.

ФЭСнинг ўзгарувчан қувватидан максимал фойдаланиш учун кун давомида унга мос келадиган насос маркаларини танлаймиз. Бу жараён 10- расмда келтирилган схема асосида амалга оширилади. Схемадан кўриниб турибдики, ФЭСнинг деярли барча қувватларига мос келадиган насослар танланади ва бунда улар η_{max} қийматга эга бўлишади. Ушбу схема бўйича насослар иш режимини частота ўзгартириш усули билан ҳам ростлаш мумкин.

Катта қувватли НСлар учун ФЭС ва иссиқлик электр станция (ИЭС)лар негизида комбинацияланган электр таъминотидан фойдаланилганда энергия харажатлари қуйидаги мақсад функцияси асосида ҳисобланиши мумкин.



9 - расм. НС ни қуёш энергияси билан таъминлашнинг энг самарали вариантыни ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси




10 – расм. ФЭС қуввати асосида насосларни танлаш ва уларнинг иш режимини аниқлаш графиклари

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_{НС} = & N_{НС}^{ИЭС}(t_1 - t_0) a_{эл}^{ИЭС} + N_{НС}^{ФЭС}(t_2 - t_1) a_{эл}^{ФЭС} + \sum_{i=1}^{t_2-t_1} N_{НСi}^{ЭТТ1}(t_{2i} - t_{1i-1}) a_{эл}^{ФЭС} + \\ & + N_{НС}^{ЭТТ2}(t_3 - t_2) a_{эл}^{ЭТТ} + N_{НС}^{ИЭС}(t_3 - t_2) a_{эл}^{ИЭС} \longrightarrow \min \end{aligned} \quad (26)$$

бунда, $\sum_{i=1}^{t_2-t_1} N_{НСi}^{ЭТТ1}(t_{2i} - t_{1i-1})$ – ФЭСнинг энергия тўплаш тизими (ЭТТ) га бериладиган энергия микдори, $N_{НС}^{ЭТТ2}(t_3 - t_2)$ – тўпланган энергиядан НС

